

- для издателей и рецензентов – более высокая оценка деятельности;
- для библиотек – удовлетворение информационных потребностей читателей, пополнение электронных «полок» качественной литературой;
- для издателей научных сообществ – стратегия выживания.

Таким образом, исследование информационных ресурсов мировых производителей с целью использования их в учебных и научных заведениях является одной из важных задач. Исходя из

количества информационных продуктов и услуг компаний, предоставляющих доступ к электронным базам данных, можно судить, что спрос на электронные ресурсы из года в год возрастает. Это обусловлено также тем, что предоставление быстрого доступа к достоверной и максимально полной информации является неотъемлемой составляющей науки, качественного образования, ведет к повышению рейтинга вузов, а также благотворно сказывается на социально-экономическом развитии республики.

#### Список литературы.

- *Oxford University Press* [www.global.oup.com](http://www.global.oup.com)
- *Springer Science + Business Media* [www.springer.com](http://www.springer.com)
- *Directory of Open Access Journals* <http://www.doaj.org/>
- *Directory of Open Access Books* <http://www.doabooks.org/>
- *The Directory of Open Access Repositories* <http://www.openoar.org/>
- *Bielefeld Academic Search Engine* <http://www.base-search.net/>
- *Emerald Publishing Group* [www.emeraldinsight.com](http://www.emeraldinsight.com)
- *Nature Publishing Group* [www.nature.com](http://www.nature.com)
- *ProQuest* [www.proquest.com](http://www.proquest.com)



**Абодбой ҚИЛИЧБОЕВ,**  
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
Илмий методика ва тадқиқот хизматининг бош мутахассиси

## “INFOLIB – 2015” IV МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ҲАФТАЛИГИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳар йили Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигини ўтказиш анъана тусига кириб бормоқда. Ҳафталик доирасида, фойдаланувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда турли тадбирлар ташкил этилиб, йил сайин уларнинг савияси ошиб, такомиллашиб боришига эътибор берилмоқда.

Бу йилги “INFOLIB – 2015” ҳафталиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 февралдаги 56 ф-сонли фармойишига асосан 9–13 ноябрда ташкил этилди, унинг режаси Республика

методик кенгаши муҳокамасидан ўтказилиб, таклиф ва тавсиялар асосида тасдиқланган.

Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигининг асосий мақсади мутолаани янада кучайтириш ва тарғиб қилиш, фойдаланувчиларни янги нашр қилинган ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий, ўқув ва бадиий адабиётлар билан яқиндан таништириш, ахборот маданияти даражасини кутариш, интернет тармоғида миллий контентни ривожлантиришга ва ахборот-кутубхона хизмати имкониятини оширишга ҳисса қушишдан иборат.

Ҳафталикнинг ҳар бир кунига ўзига яраша ном берилди, жумладан:



биринчи кун – “Очик эшиклар куни”;  
 иккинчи кун – “Мутахассислар куни”;  
 учинчи кун – “Ижод куни”;  
 тўртинчи кун – “Хорижий тиллар куни”<sup>4</sup>  
 бешинчи кун – “Маданиятлар хилма-хиллиги куни».

Тадбир Дилшод Муталов директёрлигида Ўзбекистон давлат академик халқ-чолғу оркестри ижросида ўзбек ва чет эл композиторларининг тантанавор янграган мумтоз ва замонавий мусиқа садолари остида бошланди. Ҳафталикни Миллий кутубхона директори Асаджон Ходжаев кириш сўзи билан очди. Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона маркази директори Ҳ.Каримова, Ўзбекистон халқ артисти Э.Комилов, Ўзбекистон Фанлар академияси асосий кутубхонаси директори З.Бердиева, Республика илмий-педагогика кутубхонаси бўлим бошлиғи Р.Ратнер сўзга чиқиб, ёшларни баркамол инсон этиб тарбиялашда, китоб мутолаасига кизикиш уйғотишда, аҳолининг ахборот маданиятини оширишда кутубхонанинг роли ва ҳафталикнинг Ўзбекистонда ахборот-кутубхона соҳасининг ривожланишига қўшаётган ҳиссаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Ҳафталикнинг биринчи куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида фойдаланувчиларнинг ахборот маданияти ва медиасаводхонлигини шакллантиришда ахборот-кутубхона муассасаларининг ўрнига бағишланган “Бетгерхонлик 2015” давра суҳбати билан бошланди.

Давра суҳбатида ахборот-кутубхона муассасалари фойдаланувчиларининг ахборот маданияти ва медиасаводхонлигини шакллантириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, иштирокчилар “Ахборот-кутубхона соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши даврида Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларининг ахборот маданияти

ва медиасаводхонлигини шакллантириш” лойиҳаси моҳияти, унинг тамойиллари, тузилиши ва Ўзбекистонда жорий этилиши жараёни билан танишдилар.

Давра суҳбати доирасида ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари учун шахнинг ахборот хавфсизлиги, Интернетда маълумот излаш бўйича маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

Атокли навоийшунос олим, академик Азиз Қаюмов ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессори Динора Азимовалар томонидан рус тилига таржима қилиниб, чоп этилган Алишер Навоийнинг “Ҳамсат ул-мутахаййрийн” китоби тақдими ҳам ушбу кун бўлиб ўтди. Буюк шоирнинг асари рус тилига “Пятерица изумлений” номи билан уғирилган.

Шу куни санъатшунослик фанлари номзоди, таникли киношунос Нигора Каримова лойиҳаси асосида тайёрланган Марказий Осиёнинг илк овозсиз фильмларининг фото-ретроспектив кургазмаси ва 1920–1930 йилларда суратга олинган “Ажал минораси” (1925), “Иккинчи хотин” (1925), “Бахт куёши” (1926), “Ровот қашқирлари” (1927), “Ёриқ фургон” (1928), “Боғдоддан келган америкалик аёл” (1930) фильмларидан 100 дан зиёд фотолавҳалар ва фильмлар намоиши билан якунланди.

Ҳафталикнинг Мутахассис куни “Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси” Республика босқичи танлови билан давом эттирилди. Танловда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари иштирок этдилар.

Танловнинг Республика босқичида 4 кишилик 14 жамоа 4 шарт бўйича баҳслашдилар:

“Янги авлод ахборот-кутубхона муассасаси” мавзуида тақдимот

- Муаммонинг ечимини топинг.
- Тестлар.
- “Китоб ила дунё очилур”

Ушбу шартлар бўйича жамоалар узаро беллашиб, танлов натижаларига кура биринчи урин Фаргона вилояти жамоасига, иккинчи урин Андижон вилояти жамоасига, учинчи урин эса Тошкент шаҳри жамоасига насиб этди.

Шу куни мутахассислар учун BePro компанияси иштирокида КАДАТА автоматлашган ахборот-кутубхона тизими бўйича тренинг бўлиб ўтди. Тренингда масофавий қайд этиш, ресурсларни қуриш, таҳрир қилиш, статистикасини қуриш, экспорт ва импорт қилиш ишларини амалга оширувчи қатор модуллар ёрдамида ишлаш бўйича батафсил тавсиялар бериб ўтилди.

Шунингдек, интеграциялашган “КАДАТА Web 3.0”, АИБС “КАДАТА” тизимлари, асосий характеристикалари, тизимга қайд этилган ва қайд этилмаган фойдаланувчиларнинг кириш қодалари, оддий, кенгайтирилган, муфассал ва луғат бўйича амалга ошириладиган кидирув билан таништирилди. Тренинг иштирокчилари Pdf форматдаги химояланган ҳужжатларни қуриш, кидирув натижасини сақлаш ва буюртма учун нашрларни ажратиб олиш тўғрисидаги керакли маълумотларга эга бўлдилар.

Шу куни Италия мусикаси кечаси бўлиб ўтди. “Ўзбекистон – Италия” Дустлик жамияти ва Ўзбекистондаги Италия элчихонаси томонидан ташкил этилган мусиқа кечасида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ва Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари иштирок этдилар. Мусиқий кеча италян

адабий тили ривожига катта ҳисса қўшган буюк шоир Данте Алигъери таваллудининг 750 йиллигига бағишланди. Италиянинг Ўзбекистондаги фавқулотда ва мухтор элчиси Риккардо Манара бошчилигидаги дипломатик корпус вакиллари, “Ўзбекистон–Италия” Дустлик жамияти раиси, Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Бахтиёр Якубов, профессор-ўқитувчилар, талабалар ва ҳафталик қатнашчилари мусиқий кечанинг меҳмонлари бўлдилар.

Ҳафталикнинг учинчи “Ижод куни” мактаб, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун янада қизиқарли ўтди. Унда адабий викториналар, танловлар ҳамда маҳорат дарслари ташкил этилиб, қатнашувчиларда катта таассуротлар қолдирди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Рус маданият маркази билан ҳамкорликда “Биз китобни севамир!” мавзуида болалар расмлари танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар умумтаълим мактабларининг 3–4-синф ўқувчилари “Биз китобни севамир!” мавзуида ўз чизган расмлари билан қатнашдилар.

Тошкент шаҳри мусиқа коллежи ўқувчилари учун ўзбек, рус ва чет эл классик мусикаси йуналишлари бўйича “Мусиқа билимдони” викторинаси, умумтаълим мактаб ўқувчилари орасида “Адабиёт билимдони” викторинаси ўтказилди.

Ижод кунида усмир ёшларнинг ахборот технологиялари орқали Интернетдан тўғри ва унумли фойдаланиши, ахборот олиши, маълумотлар кидириши каби масалар ҳам эътибордан четда қолмади. Бошланғич синф ўқувчилари учун ахборот маданияти ва медиасаводхонлик бўйича маҳорат дарси ҳам ташкил этилди.

Ахборот маданияти ва медиасаводхонлик бўйича бошланғич синфлар учун ташкил этилган маҳорат дар-



сларида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мутахассислари болаларга Интернет ахборот ресурслари манбаи бўлиши баробарида, у туғдирадиган хавф, шахснинг ахборот хавфсизлиги, Интернетда маълумот қидиришнинг узига хос жиҳатлари, матн тузилиши ва унинг хоссалари ҳақида тулик маълумот беришди.

Ҳафталикнинг хорижий тиллар кунида хорижий тилларни урганишга бўлган кизиқишни кучайтириш ва уни ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида инглиз тили бўйича IELTS тестлари, корейс тили бўйича TOPIС тести, немис ва бошқа тиллар бўйича амалий тавсиялар берилаётган, хорижда таълим олиш имкониятлари ва шартлари, хорижий давлатлар таълим тизими ва имкониятлари билан таништирувчи суҳбатлар уюштирилди.

Инглиз, немис, француз, япон, корейс, хитой, форс, араб, поляк, венгер, вьетнам, турк, чех, словак ва МДХ мамлакатлари халқлари тилларидаги адабиётлар курғазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистон – кўпмиллатли мамлакат. Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари дўстона, аҳил ва иноқ яшайдилар. “Маданиятлар хилма-хиллиги куни”да Ўзбекистонда яшовчи кўпмиллатли халқларнинг бебаҳо маданий бойлигини намойиш этиш мақсад қилиб қўйилди.

Шунингдек, ҳафталик доирасида ёшларда эстетик дидни ривожлантириш ва уларни халқ хунармандчилиги намуналарини тайёрлаш услублари билан таништириш мақсадида гиламдўзлик, каштачилик, кулолчилик, заргарлик бўйича маҳорат дарслари ҳам берилди.

Маҳорат дарсларида Тошкент вилояти Пскент тумани хунармандлар уюшмаси раиси Дилноза Раҳмонқулова, заргар, мисгар Фотима Юсупова, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти амалий санъат факультети кулолчилик йўналиши 2-босқич талабаси Сирожиддин Турсуновлар ўз хунарларининг сир-асрорлари билан иштирокчиларни яқиндан таништирдилар.

Тадбир гиламдўзлик бўйича маҳорат дарслари билан давом эттирилиб унда тренер пат гилам, ипак гилам, жун гилам, кигиз каби гилам турлари ва арча, чумчуққўз, араби каби услублари ҳақида маълумот берди, дарс қатнашчилари эса кичик дастгоҳларда гилам тўқишни синаб кўрдилар.

Маълумки, деярли барча халқларда каштачилик мавжуд, унинг ривожланиши иқлим, табиий шароит, муҳитга боғлиқ. Каштачиликка бағишланган маҳорат дарсида иштирокчилар иш қуролилари игна, илмоқли

игна, илмоқли бигиз, ангишвона, чанбарак ва кандахаёл чиннихаёл хомдузи, ироқи, илмоқ, бахлия чоклари билан яқиндан танишдилар.

Ўзбек китобхонларига озарбोजонлик туркшунос олим ва ёзувчи Юнус Угуз “Юксалиш сари” ва “Дунёнинг ҳокими” номли икки романни ўз ичига олган “Амир Темур” китоби орқали таниш. Куннинг иккинчи ярмида Юнус Уғузнинг “Малика ва жодугар” романининг ўзбек тилига таржимаси тақдироти бўлиб ўтди. Тақдиротда Ҳ.Алиев номидаги Озарбайжон миллий маданият маркази вакиллари, тарихчи, тилшунос олимлар, таржимонлар, журналистлар, шоир ва ёзувчилар иштирок этдилар.

Ҳафталикнинг “Маданиятлар хилма-хиллиги куни” Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маркази қошидаги миллий маданий марказлар аъзолари томонидан ўз миллий либослари, рўзғор анжомлари, миллий ёзувчи ва шоирларнинг китоблари курғазмаси уюштирилди.

Байрам дастурида корейс миллий маданий марказининг “Сядал” рақс гуруҳи, рус миллий маданий марказининг “Восход” болалар рақс дастаси, озарбайжон миллий маданий марказининг “Озарбайжон гизлари” ансамбли, бошқирд миллий маданий марказининг “Агидел” фольклор дастаси ва татар маданий-маърифий маркази иштирокчилари ўз бадиий чиқишлари билан иштирок этдилар.

Бундан ташқари ҳафталик доирасида қуйидаги параллел тадбирлар ҳам бўлиб ўтди:

кутубхонанинг янги аъзоларини рўйхатга олишда лотерея ўйини;

кутубхона бўйлаб мавзулаштирилган экскурсиялар; Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолиятини ёритувчи тақдиротлар;

“Янги ресурслар – 2015” адабиётларнинг очик курғазмаси;

Мамлакат нашриётларининг янги адабиётлари ярмаркаси ва бошқалар.

Ҳафталикнинг ёпилиш маросимида эса ҳафталик даврида рўйхатдан ўтган барча фойдаланувчиларнинг ID карта рақамлари бўйича лотерея ўйналиб, ўйиннинг бош ютуғи – планшет бўлди.

Беш кун давом этган Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги қатнашувчиларда яхши таасуротлар қолдирди. Ҳафталик доирасида 40 дан ортиқ тадбирлар ташкил қилиниб, унда 21 мингдан зиёд киши иштирок этди. Қатнашувчилар ўзлари учун барча керакли маълумотларни олиш билан бирга маърифат марказидаги шароит ва имкониятлардан самарали фойдаландилар.